

**МАДАНИЯТ ВА САНЬАТ МУАССАСАЛАРИДА АУДИТНИНГ  
АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннаев А.А.**

СамИСИ, Бошқа тармоқларда бухгалтерия  
хисоби ва аудит кафедраси ассистенти

**Аннотация.** Ушбу мақолада маданият ва санъат муассасаларида аудитнинг ахборот таъминотининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш муаллиф томонидан ёритиб берилган. Қолаверса, аудити ўтказиш тартиби бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** аудит, даромадлар, маданият ва санъат, ахборот таъминоти.

**CURRENT STATE OF AUDIT INFORMATION IN CULTURE AND  
ART INSTITUTIONS AND ITS IMPROVEMENT**

**Annaev A.A.**

Assistant of the Department of Accounting  
and Auditing in Other Sectors, SamIES

**Abstract.** In this article, the current state of audit information provision in culture and art institutions and its improvement are highlighted by the author. In addition, proposals and recommendations on the procedure for conducting the audit were developed.

**Key words:** audit, income, culture and art, information supply.

Маданият ва санъат муассасаларида ўтказиладиган аудитнинг самараси ва аудиторлар берадиган хulosанинг ишончлилиги бевосита

аудитнинг ишончли ахборот манбаларининг борлигига боғлиқ. Бундай манбалар бўлиб, авваламбор, қонунлар, қонуности хужжатлар, Президентимиз Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва улар билан тасдиқланган меъёрий хужжатлар, маданият ва санъат муассаса раҳбарининг буйруқлари, улар билан тасдиқланган ички хужжатлар, тартиб-қоидалар, шунингдек, бевосита амалга оширилган молиявий хўжалик операцияларини тасдиқловчи бошланғич хужжатлар, ҳисоб регистрлари, баланс ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ҳисобланади.

Маданият ва санъат муассасалари фаолияти аудитида мазкур аудитнинг меъёрий-хуқуқий асосини ташкил қилувчи ҳамда бунда асосий ахборот манбалари ҳисобланувчи айрим хужжатларга, шунингдек ушбу хужжатларда белгиланган аудит ўтказишида муҳим аҳамият касб этувчи ва эътибор қаратилиши лозим бўлган тартиб қоидаларга тўхталамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари түғрисида» ПҚ-3892-сонли қарори. Ушбу қарор билан маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуидаги шаклларини жорий этиш жараёнлари аудитини текширишида муҳим манба бўлиб ҳисобланади:

\*маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш;

\*мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш;

\*концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

\*бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "ноль" харид қийматида сотиш;

\*давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисмини) ижара ҳақининг "ноль" ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш;

\*хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш;

\*оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш.

2. Президентимизнинг ПҚ-3892-сонли қарори ижросига қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 январдаги “Маданият ва санъат соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 30-сон қарори. Мазкур қарор маданият соҳаси субъектларини хусусийлаштириш жараёнларини аудит кўригидан ўтказишида асосий манбалардан бири ҳисобланади. да қуидаги объектларни текширишда бош манба бўлиб ҳисобланади, Шунингдек, мазкур қарор аудитда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан келишмасдан, қуидагиларга йўл қўйилмаслигини текширишга асос бўлади:

\*уларнинг тизимидағи кинотеатрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг кўчмас мулкларини хусусийлаштириш;

\*уларнинг худудидаги ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар захирасига олиш.

Мазкур турдаги объектлар уларнинг маданият ва санъат соҳасидаги фаолият турини сақлаб қолиш шарти билан давлат-хусусий шериклик асосида берилади. Бунда ташаббускорларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида маданият ва санъат соҳасига яқин бўлган хизмат кўрсатиш, кичик ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти турлари билан шуғулланишга рухсат этилади. Аудитда қарорга асосланилган ҳолда унда белгиланган мазкур тартибларга қай даражада амал қилинганликка баҳо берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги «2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 9-сон қарори. Ушбу қарор билан қўйидагиларни ўз ичига олган 2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди:

\*2018-2022 йилларда давлат театрлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

\*2018-2022 йилларда давлат театрлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмиглаш ҳамда жиҳозлашнинг манзилли дастури;

\*Хоразм вилояти мусиқали драма театрини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Мазкур қарор унга киритилган маданият ва санъат муассасаларида белгиланган чора-тадбирлар, вазифаларни қай даражада бажарилганлигига баҳо беришда энг асосий манба бўлиб ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 марта даги «Маданият марказлари фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида» 263-сон қарори. Ушбу қарор аудитда

республикамиз вилоятлари, шаҳар ва туман қесимларида маданият марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва улар бажарилишини назоратига доир аниқ манзилли вазифалари ижросини текширишда манба бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартағи «Маданият марказлари фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 264-сон қарори. Ушбу қарор билан Маданият марказлари тўғрисида Намунавий низом, Маданият марказлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди. Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомлар аудитда ушбу низомда белгиланган мезонлар, тартиб-қоидаларга амал қилингандикда баҳо беришда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги «Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини янада таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида № 329 - сон қарори. Ушбу қарор билан қўйидаги низомлар тасдиқланди:

\*Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом;

\*Давлат театрлари тоифаларини белгилаш тартиби тўғрисида Низом;

\*Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларининг билет нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом;

\*Давлат театрларида саҳналаштириладиган саҳна асарларини яратиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом.

Юқорида номлари зикр этилган Низомлардан давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятига аудиторлик баҳосини беришда ҳам меъёрий ҳужжат, ҳам ахборот манбаи сифатида фойдаланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Аренс Э.А., Дж.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Ахмаджонов К.Б. Якубов И.И. Аудит асослари. Дарслар. Т.: Иқтисод-молия, 2010.
3. Дустмуров Р.Д. Файзиев Ш.Н. Аудит. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2007.